

ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИ ПАТОЛОГИЯСИНИ МАҲАЛЛИЙ ДАВОЛАШ УЧУН АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

*Т.ф.д. профессор ХАБИЛОВ Н.Л., Phd, доцент МАХСУМОВА И.Ш.,
Ординатор АБДУРАХИМОВ З.А., Ассистент ШАРИПОВ С. С.*

Тошкент Давлат Стоматология Институт

Қандли Диабет (ҚД) да оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватига дори воситаларининг маҳаллий қўлланилиши стоматологияда фақат мавжуд патологияни даволаш жиҳатидан кўриб чиқилади (эрозив-язва шикастланиш, кератозлар ва ҳоказолар (Власенко М.В. 2017). Бунда медикаментоз даволаш учун оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати (ОБШҚ) касалликларининг этиологияси ва патогенезини ҳисобга олган ҳолда маълум препарат гуруҳларидан кенг фойдаланилади.

Қўзғатувчига таъсир қилиш учун асосий куч кўп ёки кам миқдорда патоген омилларни босишга қодир антибактериал таъсирга эга кенг спектр препаратлар қўлланилишига қаратилади. Антимикроб дори воситаларининг кенг тўпламини дезинфектантлар ва антибиотикларга ажратиш мумкин.

Антисептик препаратлар турли кимёвий табиатга эга кўп сонли агентларни ўз ичига олади (хлорамин, перманганат калий, водород перикиси, ёдинол, хлоргексидин, фарингосепт, пародиум, стеригал, цитеал, элюдрил ва бошқалар), улардан чайиш кўринишида маҳаллий фойдаланилади (Смирнов И.Е., Кучеренко А.Г., Смирнова Г.И. Бадалян А.Р. 2015).

Антибиотиклар (тетрациклин, левомекол), замбуруғга қарши (нистатин, леворин, декамин, пимафуцин, ороназол ва бошқалар) ва вирусга қарши (оксолин, бонафтон, госипол, ридоксол, ацикловир ва бошқалар) воситалардан ОБШҚ нинг мос келувчи инфекция касалликларини даволаш учун аппликация ёки боғлам кўринишида фойдаланилади (Доменюк Д.А.

2016. Доменюк Д.А., Давыдов Б.Н., Гильмиярова Ф.Н., Ивченко Л.Г., Ведешина Э.Г. 2017).

Тиббиёт ривожланишининг замонавий даражаси бу гуруҳ препаратларга қатор талаблар қўяди, улардан бири беморлар учун сезиларли акс таъсирлар йўқлиги ва нормал микроб ландшафтини сақлашдан иборат. Эрозив-яра ёки яллиғланиш жараёнлари бўлмаганида антибиотик ва антисептиклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки патоген флора билан бир қаторда оғиз бўшлиғидаги нормал микробиоценоз ҳам йўқотилади. Шунинг учун ОБШҚ касалликларининг олдини олиш мақсадида бу гуруҳ препаратлардан фойдаланилмайди ва адабиётда бу масала тўғрисида маълумотлар йўқ (Ивченко Л.Г., Доменюк Д.А. 2017. Carda C., Mosquera-Lloreda N., Salom L., 2006).

Оғиз бўшлиғида дисбактериозни даволаш учун бифидумбактерин, бифиформ, хилак форте дан фойдаланилади.

Маҳаллий анестезия воситалари стоматологияда маҳаллий оғриксизлантириш учун қўлланилади (тримекаин, анестезин, лидокаин, совкаин ва бошқалар). Уларни кўпинча куйиш, яра ва эрозив-яра шикастланишларида анестезияни пролонгациялаш учун томирни қисқартирувчи препаратлар билан бирга қўллашади .

Ностероид яллиғланишга қарши воситалар (натрий мефенаминат, бутадион, синафлан, синодерм ва бошқалар) яллиғланиш жараёнининг барча фазаларига таъсир кўрсатади, шунингдек антиаллергик таъсирга эга. Кортикостероидлар ифодаланган аллергияга қарши таъсир кўрсатади ва оғир шикастланишларда қўлланилади (Четвертных В.А., Мартюшева М.В., Рогожников А.Г., Логинова Н. П. 2020).

Протеолитик ферментлар (трипсин, химотрипсин, химопсин) тирикларини шикастламаган ҳолда, деструктив оксилларни парчалайди, гиалуронидаза эса бириктирувчи тўқима мембраналарининг ўтказувчанлигини оширади, бу улардан ОБШҚ шикастланган юзасини тозалаш учун фойдаланиш имконини беради. Антифермент препаратлар (контрикал, трасилол) яллиғланишга қарши таъсирни кучайтирган ҳолда лизосомал ферментлар ва простагландинларни ингибирлайди.

Тўқималар алмашинувини яхшилаш, метаболик жараёнларни кўзғатиш ва ОБШҚ эпителизацияси ва регенерациясини кучайтириш учун гипозол, метилурацил, ацемин, метуракол, чаканда мойи, алоэ соки и коланхоэ, биосед, каратолин, солкосерил ва бошқалар қўлланилади.

Кератинизация, дифференцировка, хужайраларнинг ажралиш жараёнларини меъёрлаштириш ва тўқималар трофикасининг яхшиланишига А витамин кўмаклашади. Табiiй антиоксидант – Э витамини хужайраларнинг пролиферацияси, тўқималар нафас олиши ва эпителиоцитлар хужайра метаболизмининг бошқа жараёнларида иштирок этади. ОБШҚ касалликларини, айниқса гиперкератозлар билан ёндош кечувчи касалликларни даволаш учун витаминлардан кенг фойдаланилади (Б гуруҳ А, Е, С витаминлари). Бироқ улар аксарият ҳолатларда инекция кўринишида ёки микроэлементлар (витрум, центрум, олиговит, поливит ва бошқалар) билан уйғунликда поливитамин препаратлар сифатида ичга қабул қилишга тайинланади.

Маҳаллий иммунитетни созлаш учун интерферонлар, товуқ оксили лизоцими тайинланади. Оғиз бўшлиғининг шиллик қавати касалликларида маҳаллий иммунитетни яхшилаш учун Имудон препаратидан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади, у фагоцитар фаолликни кучайтиради, сўлақда лизоцим ва sIgA секретори таркибини оширади, лейкоцитларнинг оксидловчи метаболизмини секинлаштиради, иммунологик хотира яратади. Бундан ташқари,

у саливацияни кучайтириш, ОБШҚ тикансимон қатламида эпителийнинг тузилмалари ташкил топиши ва микроциркуляциясини яхшилашга қодир (Congiu G., Campus G., Luglie P.F., 2016).

Шу билан бирга ОБШҚ га профилактика мақсадида ҚД га эга беморларда регенерацияни кучайтирувчи, микробиоценоз ва иммунитетни меъёрлаштирувчи воситаларни комплекс маҳаллий қўллаш муаммоси адабиётда фақат геронтологик жиҳатдан муҳокама қилинган.

Шундай қилиб, бугунги кунда адабиётларда ҚДдаги беморларда қаттиқ тўқима, пародонт ҳолатининг, шунингдек ОБШҚ умумий кўригининг етарлича батафсил таърифи мавжуд. Бундан ташқари, ОБШҚ микроциркулятор оқимининг ҳолати, маҳаллий иммунитетнинг баъзи ихтисослашмаган гуморал омиллар муҳокама қилинган, ҚД билан бирга кечувчи ОБШҚ касалликлари ва уларнинг даволаниши келтириб ўтилган. Шу билан бирга ОБШҚ морфологик ўзига хосликлари, унинг микробиоценози, ихтисослашмаган резистентлиги ва ҚД да маҳаллий ҳужайра иммунитетининг алоҳида омиллари, уларнинг асосий касалликнинг тури, босқичи, давомийлигига боғлиқ равишда ўзига хосликлари, шунингдек ҚД да ОБШҚ шикастланишларининг бирламчи профилактика методлари деярли ўрганилмаган. Бу ОБШҚ ўзгаришлари, унинг захира имкониятлари ва патологик омилларга мослашув механизмларини чуқур баҳолаш имконини бермайди ва чуқур даражада тадқиқотларни талаб қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Нусратов У. Г. Буйрак фаолияти бузилишига қараб 2-тоифа қандли диабетли беморларда олиб қўйиладиган тиш протезлари хусусияти. Диссертация. Бухоро – 2021.

2. Хабилов Н. Л. и др. ЖАҒ ПРОТЕЗЛАРИ ВА ОБТУРАТОРЛАРНИНГ ГИГИЕНИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСУЛЛАРИГА АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 89-91.

3. Хабилов Н. Л. и др. ЎСМИРЛАР ТИШ ҚАТОРЛАРИ ВА ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 150-151.

4. Хабилов Н. Л. и др. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 79-85.

5. Хабилов Н. Л. и др. ТИШСИЗ ПАСТКИ ЖАҒ СУЯК ТЎҚИМАСИ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ СУЯК ИЧИ ТИШ ИМПЛАНТЛАРИГА АСОСЛАНГАН ОЛИНАДИГАН ПРОТЕЗЛАР БИЛАН ЎЗARO ТАЪСИРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 98-101.

6. Шарипов С. С. и др. ТИШ ҚАТОРИДАГИ АНОМАЛИЯ ВА ДЕФОРМАЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ҚИЛИШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 86-88.

7. Шарипов С. С. и др. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ДИСФУНКЦИЯСИ ВА ТИШЛОВ АНАМАЛИЯЛАРИГА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 92-94.

8. Шарипов С. С., Ўткирбек А., Абдусатторович А. З. ЎСМИРЛАР ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШ ТАЪСИРИГА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 142-149.

9. Сафаров М. и др. Влияние несъемных зубных протезов различной конструкции на микробиологические и иммунологические показатели полости рта //Stomatologiya. – 2014. – Т. 1. – №. 1 (55). – С. 18-23.

10. Сафаров М., Мусаева К., Шарипов С. Олинмайдиган кўприксимон тиш протезларининг оғиз бўшлиғи микробиологик ҳолатига таъсири //Stomatologiya. – 2017. – Т. 1. – №. 2 (67). – С. 51-54.

11. Шарипов С. С. и др. ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 79-82.

12. Шарипов С. С. и др. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ДИСФУНКЦИЯСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 70-73.

13. Шарипов С. С. и др. СТОМАТОЛОГИК ДАВОЛАНИШГА МУХТОЖ БОЛГАН КАТТА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРНИНГ ОҒИЗ БЎШЛИҒИ КАСАЛЛИКЛАРИГА МУНОСАБАТИНИ ПСИХОЛОГИК БАҲОЛАШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 66-69.

14. Шарипов С. С. и др. ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 74-78.

15. Шарипов С. С., Хабилов Н. Л. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШ АМАЛИЁТИНИ ХАФСИЗ САҚЛАШНИНГ УСУЛЛАРИ //EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH. – 2021. – Т. 1. – №. 2. – С. 845-854.

16. Lukmanovich X. N. et al. COVID-19 BILAN O'G'RIGAN TISHSIZ BEMORLAR OG'IZ SHILLIQ QAVATI TIZIMIDAGI BUZILISHLAR //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 152-154.

17. Sanjarovna M.S., Shavkatovna M.I., Sagdullaevna MM QANDLI DABET BO'LGAN BOLALARNING OG'IZ BO'LIGINI O'ZGARISHI //Farmatsevtik salbiy natijalar jurnali. – 2022. – S. 2372-2377.

18. Tashpulatova K. et al. Technique for eliminating traumatic occlusion in patients using Implant-supported bridges //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 6189-6193.

19. Хабилов Н. и др. Диоксид циркония-один из современных стоматологических материалов //Stomatologiya. – 2017. – Т. 1. – №. 2 (67). – С. 107-110.

20. Хабилов Н. Л., Нурова Ш. Н., Нуров Н. Б. Распространенность зубочелюстных аномалий у детей школьного возраста Бухарской области //Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2015. – №. 12-9. – С. 1633-1634.

21. Хабилов Н., Шарипов С. ОСОБЕННОСТИ ПРИЕМА ПАЦИЕНТОВ ВРАЧАМИ-СТОМАТОЛОГАМИ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ НОВОЙ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ (COVID-19) //Збірник наукових праць SCIENTIA. – 2021.

22. Абакаров С. И. и др. Ортопедическая стоматология. – 2019.

23. Gaffarov S., Sharipov S. ANALYSIS OF MACRO AND MICROELEMENTS IN TEETH, SALIVA, AND BLOOD OF WORKERS IN FERGANA CHEMICAL PLANT OF FURAN COMPOUNDS //European Medical, Health and Pharmaceutical Journal. – 2014. – Т. 7. – №. 2.

24. Khabilov N. L. et al. Comparative analysis of biomaterials intended for osteoarthritis //Journal of Medicine Innovations. – 2021. – Т. 1. – С. 72-77.

25. Khabilov N. L. Nurova Sh. N., Nurov NB THE PREVALENCE OF DENTAL JAW ANOMALIES IN CHILDREN OF SCHOOL AGE OF THE BUKHARA REGION //International Journal of Applied and Fundamental Research. – 2015. – №. 12-9. – С. 1633-1634.

26. Khabilov N. L., Nusratov U. G. Features dental care for patients with type 2 type depending on disturbance of Kidney function //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2019. – Т. 8. – №. 10. – С. 18-24.

27. Nusratov U. G., Xabilov N. L. Type 2 diabetes depending on the presence of complications from the kidneys and periodontal disease before and after prosthetics with removable plate dental prostheses //Uzbek medikal journal.-Тошкент. – 2020.